

НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2025 йил сентябрь ойининг 24 куни, Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, суд биносида, очиқ суд мажлисида,
раислик қилувчи: Д.Хонбўтаева,

ҳайъат судьялари: А.Рахимов ва Ж.Каримовлардан иборат таркибда,
судья катта ёрдамчиси Ф.Тўхтаеванинг котиблигида, тарафлардан Навоий вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори Б.Давронов, судланган XXXXXXXXXнинг ҳимоячиси-адвокат Ф.Арнақулов, [REDACTED]

[REDACTED] ва уларнинг адвокати Б.Кутлиевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Учқудук туман судининг 2024 йил 5 ноябрдаги ҳукмига ҳамда Навлий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 7 майдаги ажримдан судланган XXXXXXXXX ва [REDACTED] ҳамда уларнинг адвокати Б.Кутлиевнинг томонидан келтирилган шикоятлар асосида жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Учқудук туман судининг 2024 йил 5 ноябрдаги ҳукмига кўра:

1990 йил 23 августда Навоий вилояти Қизилтепа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, НКМК АЖ Марказий кон бошқармаси ТТБда тепловоз машинисти бўлиб ишлаган, оилали, 1 нафар фарзанди бор, судланмаган, Навоий вилояти Зарафшон шаҳар 3-кичик тумани 20-уй 17-хонадонда рўйхатда туриб, Зарафшон шаҳар 3-кичик тумани 24-уй 29-хонадонда яшаган, эҳтиёт чораси “қамоққа олиш” қўлланилган, 2024 йил 5 июлдан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси ва ҳукм нусхаларини қонунда назарда тутилган муддатда олган - [REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “а, б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш, 141²-моддаси 2-қисми “б, в” бандлари билан 2 йил озодликдан маҳрум



қилиш, ЖКнинг 59-моддасига асосан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Судланувчи XXXXXXXXXдан [REDACTED] 32.800.000 сўм, У.Бобоевга 29.000.000 сўм, [REDACTED] 44.800.000 сўм, М.Юлдошевга 50.000.000 сўм, [REDACTED] 50.000.000 сўм, [REDACTED] 29.650.000 сўм, Н [REDACTED] 68.600.000 сўм, З [REDACTED] 40.442.022 сўм етказилган зарарларни ундириш белгиланган.

Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг 2025 йил 7 майдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Учқудук туман судининг 2024 йил 5 ноябрдаги ҳукми ўзгартирилган.

Жумладан, XXXXXXXXX ЖК 141²-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан оқланган, XXXXXXXXXга ЖК 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, тайинланган 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўзгаришсиз қолдирилиб, ЖК 59-моддасига асосан жазо тайинлаш қисми бекор қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи XXXXXXXXX ғаразғўйлик ва бошқа паст ниятларни кўзлаб, ноқонуний йўллар билан мўмай даромад орттиришини ўз олдига мақсад қилиб, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган фирибгарлик, яъни ўзганинг анча миқдорни ташкил қилувчи мол-мулкни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишни ўз олдига мақсад қилиб, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи ҳамкасби XXXXXXXXXни алдаб, унга укасини даволатиш учун пул зарурлигини важ қилиб, бунинг учун “ТБС банк” АТБ ҳамда “Анорбанк” АЖдан ўзининг номига онлайн микроқарз олишини ва бунинг учун кафил бўлишига ишонтириб, аслида мазкур микроқарз расмийлаштириб олиш учун кафил шарт бўлмасада шу орқали унинг ишончига кириб, кредит ҳужжатларини расмийлаштиришини айтиб, ҳамкасбини алдаб, унинг ўзини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида Н.Э.Эшқуватовнинг номидан “ТБС банк” ва “Анорбанк” иловаларидан рўйхатдан ўтиб, 18.07.2023 йил кунидаги 436482-сонли шартномага асосан 17 млн. сўм, 14.12.2023 йил кунидаги 546966-сонли шартномага асосан 6 млн. 800 минг сўм ва “ТБС банк” АТБ дан ҳам 21 млн. сўм миқдорида жами 44 млн. 800 минг сўм миқдоридаги онлайн микроқарз расмийлаштиришга эришиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб, XXXXXXXXX манфаатларига моддий зарар етказиб, онлайн микроқарз маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

Бундан ташқари, XXXXXXXXX ғаразғўйлик ва бошқа паст ниятларни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг 02.07.2019 йилдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 547-сонли Қонуни талабларига зид равишда, шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиб, улардан фойдаланиб, ўзгани мол-мулкни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишни ниятида, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи ҳамкасби XXXXXXXXXни алдаб, унинг ўзини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон



аппарати орқали сканер усулида Н.Э.Эшкуватовнинг номидан сканер усулида “ТБСбанк” ва “Анорбанк” иловаларидан рўйхатдан ўтиб, 18.07.2023 йил кунидаги 436482-сонли шартномага асосан 17,0 млн. сўм, 14.12.2023 йил кунидаги 546966-сонли шартномага асосан 6 млн. 800 минг сўм ва “ТБС банк” АТБдан 21 млн. сўм миқдорида онлайн микроқарзларни ажратишга эришиб, жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ва уни идентификация қилиш имкониятини берадиган шахсга доир электрон тарздаги микроқарз олишни имкони берувчи иловани қонунга хилоф равишда қўлга киритиб, ундан ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланганликда;

Шунингдек, ХХХХХХХХХХ такроран, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи ҳамкасби ХХХХХХХХХХни алдаб, у ва бошқа ҳамкасблари билан бирга овқатланиб ўтириш вақтида эсдалик учун фотосуратга тушишни айтиб, унинг ўзини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида Х.С.Каримовнинг номидан “ТБС банк” иловасидан рўйхатдан ўтиб, 25.11.2023 йил кунидаги 15691376-сонли шартномага асосан 50,0 млн. сўм миқдоридаги онлайн микроқарз расмийлаштиришга эришиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб, ХХХХХХХХХХнинг манфаатларига моддий зарар етказиб, онлайн микроқарз маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

Бундан ташқари, ХХХХХХХХХХ ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг 02.07.2019 йилдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 547-сонли Қонуни талабларига зид равишда, шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиб, улардан фойдаланиб, ўзгани мол-мулкни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишни ниятида, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи ҳамкасби ХХХХХХХХХХни алдаб, унинг юз соҳасини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида ХХХХХХХХХХнинг номидан сканер усулида “ТБСбанк” иловасидан рўйхатдан ўтиб, 25.11.2023 йил кунидаги 15691376-сонли шартномага асосан 50,0 млн. сўм, миқдорида онлайн микроқарзларни ажратишга эришиб, жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ва уни идентификация қилиш имкониятини берадиган шахсга доир электрон тарздаги микроқарз олишни имкони берувчи иловани қонунга хилоф равишда қўлга киритиб, ундан ғаразли мақсадлари йўлида такроран фойдаланганликда;

Шунингдек, ХХХХХХХХХХ, такроран, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи ҳамкасби [REDACTED]ни алдаб, унга опаси чет давлатда эканлигини ва унга пул жўнатаётганлиги сабабли, “Анор банк” дан пластик карта очиши керак эканлигини, ушбу пулни олмаса бўлмаслигини, яъни эҳтиёжлари учун пул зарур эканлигини айтиб, унинг номига пластик карта очиб бериши учун кўндиришга эришиб, аслида эса бунинг учун эҳтиёжи бўлмасада шу орқали унинг ишончига кириб, пластик карта расмийлаштиришини айтиб, ҳамкасбини алдаб, унинг юз соҳасини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12”



русумли телефон аппарати орқали сканер усулида XXXXXXXXXXнинг номидан “ТБСбанк” ва “Анорбанк” иловаларидан рўйхатдан ўтиб, “ТБС банк” АТБдан 27.11.2023 йил кунидаги 15745735-сонли шартномага асосан йиллик 49% устамаси тўлаш шarti билан 27 млн. 690 минг сўм, шунингдек 18.03.2024 йил кунидаги 6457545-сонли шартномага асосан йиллик 42% устамаси тўлаш шarti билан 760 минг сўм ҳамда 18.03.2024 йил кунидаги 6457545-сонли шартномага асосан йиллик 42% устамаси тўлаш шarti билан 1 млн. 200 минг сўм онлайн микроқарз расмийлаштиришга эришиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб, XXXXXXXXXXнинг манфаатларига моддий зарар етказиб, онлайн микроқарз маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

Бундан ташқари, XXXXXXXXXX ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларни қўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг 02.07.2019 йилдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 547-сонли Қонуни талабларига зид равишда, шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиб, улардан фойдаланиб, ўзгани мол-мулкани алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишни ниятида, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи ҳамкасби Рўзиев Шерзод Шералиевични алдаб, унинг юзини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида Ш. XXXXXXXXXXнинг номидан сканер усулида “ТБСбанк” иловасидан рўйхатдан ўтиб, “ТБСбанк” ва “Анорбанк” иловаларидан рўйхатдан ўтиб, “ТБС банк” АТБдан 27.11.2023 йил кунидаги 15745735-сонли шартномага асосан йиллик 49% устамаси тўлаш шarti билан 27 млн. 690 минг сўм, шунингдек 18.03.2024 йил кунидаги 6457545-сонли шартномага асосан йиллик 42% устамаси тўлаш шarti билан 760 минг сўм ҳамда 18.03.2024 йил кунидаги 6457545-сонли шартномага асосан йиллик 42% устамаси тўлаш шarti билан 1 млн. 200 минг сўм, миқдоридан онлайн микроқарзларни ажратишга эришиб, жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ва уни идентификация қилиш имкониятини берадиган шахсга доир электрон тарздаги микроқарз олишни имкони берувчи иловани қонунга хилоф равишда қўлга киритиб, ундан ғаразли мақсадлари йўлида такроран фойдаланганликда;

Шунингдек, XXXXXXXXXX, такроран, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи ҳамкасби [REDACTED] алдаб, унга укасини даъволатиш учун пул зарурлигини важ қилиб, бунинг учун “ТБС банк” АТБ ҳамда “Анорбанк” АЖдан ўзининг номига онлайн микроқарз олишини ва бунинг учун кафил бўлиши учун кўндиришга эришиб, аслида мазкур микроқарз расмийлаштириб олиш учун кафил шарт бўлмасада шу орқали унинг ишончига кириб, кредит ҳужжатларини расмийлаштиришини айтиб, ҳамкасбини алдаб, унинг юз соҳасини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида З.Н.Шукуровнинг номидан “ТБС банк” ва “Анорбанк” иловаларидан рўйхатдан ўтиб, “Анорбанк” АЖдан 01.12.2023 йил кунидаги 553839189-сонли шартномага асосан 10 млн. сўм, 07.12.2023 йил кунидаги 553881532-сонли шартномага асосан 10 млн. сўм ва 14.12.2023 йил кунидаги



553935347-сонли шартномага асосан 8 млн. сўм миқдорида, бундан ташқари “ТБС банк” АТБдан 02.05.2024 йил кунидаги 20591915-сонли шартномага кўра 12.442022.06 сўм миқдорида жами 40 млн. 442022.06 сўм миқдорида онлайн микроқарз расмийлаштиришга эришиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб, [REDACTED] манфаатларига моддий зарар етказиб, онлайн микроқарз маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

Бундан ташқари, XXXXXXXXXX ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг 02.07.2019 йилдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 547-сонли Қонуни талабларига зид равишда, шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиб, улардан фойдаланиб, ўзгани мол-мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишни ниятида, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи ҳамкасби Шукуров Завқиддин Нусратовични алдаб, унинг юзини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида З.Н.Шукуровнинг номидан сканер усулида “ТБС банк” ва “Анорбанк” иловаларидан рўйхатдан ўтиб, “Анорбанк” АЖдан 01.12.2023 йил кунидаги 553839189-сонли шартномага асосан 10 млн. сўм, 07.12.2023 йил кунидаги 553881532-сонли шартномага асосан 10 млн. сўм ва 14.12.2023 йил кунидаги 553935347-сонли шартномага асосан 8 млн. сўм миқдорида, бундан ташқари “ТБС банк” АТБдан 02.05.2024 йил кунидаги 20591915-сонли шартномага кўра 12.442022.06 сўм миқдорида жами 40 млн. 442022.06 сўм миқдорида онлайн микроқарз расмийлаштиришга эришиб, жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ва уни идентификация қилиш имкониятини берадиган шахсга доир электрон тарздаги микроқарз олишни имкони берувчи иловани қонунга хилоф равишда қўлга киритиб, ундан ғаразли мақсадлари йўлида такроран фойдаланганликда;

Шунингдек, XXXXXXXXXX, такроран, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи ҳамкасби [REDACTED]

[REDACTED] вақтида эсдалик учун фотосуратга тушишини айтиб, унинг ўзини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида [REDACTED] номидан “ТБС банк” иловасидан рўйхатдан ўтиб, 31.12.2023 йил кунидаги 16487506-сонли шартномага асосан 29,0 млн. сўм миқдорида онлайн микроқарз расмийлаштиришга эришиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб, У.Бобоевнинг манфаатларига моддий зарар етказиб, онлайн микроқарз маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

Бундан ташқари, XXXXXXXXXX ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг 02.07.2019 йилдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 547-сонли Қонуни талабларига зид равишда, шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиб, улардан фойдаланиб, ўзгани мол-мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишни ниятида, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи



хамкасби [REDACTED] алдаб, унинг юзини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида [REDACTED] номидан сканер усулида “ТБС банк” иловасидан рўйхатдан ўтиб, 31.12.2023 йил кунидаги 16487506-сонли шартномага асосан 29 млн. сўм, миқдорида онлайн микроқарз ажратишга эришиб, жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ва уни идентификация қилиш имкониятини берадиган шахсга доир электрон тарздаги микроқарз олишни имкони берувчи иловани қонунга хилоф равишда қўлга киритиб, ундан ғаразли мақсадлари йўлида такроран фойдаланганликда;

Шунингдек, XXXXXXXXXX, такроран, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи хамкасби [REDACTED] алдаб, унга Қизилтепа туманида яшовчи укасини тоби бўлмаётганлигини, танишлари унга пул жўнатиб бериши лозимлигини, шу сабабли унинг номига “Виза карта” очиб бериши учун кўндиришга эришиб, аслида эса бунинг учун эҳтиёжи бўлмасда шу орқали унинг ишончига кириб, хамкасбини алдаб, унинг юз соҳасини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида [REDACTED] номидан “Асакабанк” иловасидан рўйхатдан ўтиб, 29.01.2024 йил кунидаги 1761348-сонли шартномага асосан 50 млн. сўм онлайн микроқарз расмийлаштиришга эришиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб, [REDACTED] манфаатларига моддий зарар етказиб, онлайн микроқарз маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

Бундан ташқари, XXXXXXXXXX ғаразгўйлик ва бошқа паст ниётларни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг 02.07.2019 йилдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 547-сонли Қонуни талабларига зид равишда, шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиб, улардан фойдаланиб, ўзгани мол-мулкни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишни ниятида, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи хамкасби [REDACTED] алдаб, унинг юзини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида М [REDACTED] номидан сканер усулида “Асакабанк” АЖ иловасидан рўйхатдан ўтиб, 29.01.2024 йил кунидаги 1761348-сонли шартномага асосан 50 млн. сўм, миқдорида онлайн микроқарзларни ажратишга эришиб, жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ва уни идентификация қилиш имкониятини берадиган шахсга доир электрон тарздаги микроқарз олишни имкони берувчи иловани қонунга хилоф равишда қўлга киритиб, ундан ғаразли мақсадлари йўлида такроран фойдаланганликда;

Шунингдек, XXXXXXXXXX, такроран, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган фирибгарлик, яъни ўзганинг мол-мулкни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишни ўз олдига мақсад қилиб, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи хамкасби [REDACTED] алдаб, унга укасини даволатиш



учун пул зарурлигини важ қилиб, бунинг учун “ТБС банк” АТБ ҳамда “Анорбанк” АЖдан ўзининг номига онлайн микроқарз олишини ва бунинг учун кафил бўлиши учун кўндиришга эришиб, аслида мазкур микроқарз расмийлаштириб олиш учун кафил шарт бўлмасида шу орқали унинг ишончига кириб, кредит хужжатларини расмийлаштиришини айтиб, ҳамкасбини алдаб, унинг юз соҳасини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида F [REDACTED] номидан “Асакабанк” АЖ иловасидан рўйхатдан ўтиб, 19.08.2024 йил кунидаги 1130320-сонли шартномага асосан 18 млн. 800 минг сўм, 29.02.2024 йил кунидаги 1222213-сонли шартномага асосан 14 млн. сўм миқдорида онлайн микроқарз расмийлаштиришга эришиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб, [REDACTED] манфаатларига моддий зарар етказиб, онлайн микроқарз маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

Бундан ташқари, XXXXXXXXXX ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг 02.07.2019 йилдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 547-сонли Қонуни талабларига зид равишда, шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиб, улардан фойдаланиб, ўзгани мол-мулкни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишни ниятида, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи ҳамкасби [REDACTED] алдаб, унинг юзини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида [REDACTED] номидан сканер усулида “Асакабанк” АЖ” иловасидан рўйхатдан ўтиб, 19.08.2024 йил кунидаги 1130320-сонли шартномага асосан 18 млн. 800 минг сўм, 29.02.2024 йил кунидаги 1222213-сонли шартномага асосан 14 млн. сўм миқдорида онлайн микроқарз расмийлаштиришга эришиб, жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ва уни идентификация қилиш имкониятини берадиган шахсга доир электрон тарздаги микроқарз олишни имкони берувчи иловани қонунга хилоф равишда қўлга киритиб, ундан ғаразли мақсадлари йўлида такроран фойдаланганликда;

Шунингдек, XXXXXXXXXX, такроран, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи ҳамкасби [REDACTED] алдаб, унга укасини даъволатиш учун пул зарурлигини важ қилиб, бунинг учун “Анорбанк” АЖдан ўзининг номига онлайн микроқарз олишини ва бунинг учун кафил бўлиши учун кўндиришга эришиб, аслида мазкур микроқарз расмийлаштириб олиш учун кафил шарт бўлмасида шу орқали унинг ишончига кириб, кредит хужжатларини расмийлаштиришини айтиб, ҳамкасбини алдаб, унинг юз соҳасини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида [REDACTED] номидан “Анорбанк” иловасидан рўйхатдан ўтиб, 15.06.2023 йилда 20.0 млн. сўм, 22.06.2023 йил куни 4.2 млн. сўм, 12.07.2023 йил куни 24.0 млн. сўм, 28.07.2023 йил куни 21.0 млн. сўм, шунингдек 13.03.2024 йил кунидаги 642295-сонли шартномага асосан 25.580 млн. сўм, 27.03.2024 йил кунидаги 661269-сонли шартномага асосан



25.200 млн. сўм ва 03.04.2024 йил кунидаги 671521-сонли шартномага асосан 17.0 млн. сўм миқдорда онлайн микроқарз расмийлаштиришга эришиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб, манфаатларига моддий зарар етказиб, онлайн микроқарз маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

Бундан ташқари, ХХХХХХХХХХ ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларни қўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг 02.07.2019 йилдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 547-сонли Қонуни талабларига зид равишда, шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиб, улардан фойдаланиб, ўзгани мол-мулкни алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишни ниятида, НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи ҳамкасби алдаб, унинг юзини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида номидан сканер усулида “Анорбанк” иловасидан рўйхатдан ўтиб, 15.06.2023 йилда 20.0 млн. сўм, 22.06.2023 йил куни 4.2 млн. сўм, 12.07.2023 йил куни 24.0 млн. сўм, 28.07.2023 йил куни 21.0 млн. сўм, шунингдек 13.03.2024 йил кунидаги 642295-сонли шартномага асосан 25 млн. 580 минг сўм, 27.03.2024 йил кунидаги 661269-сонли шартномага асосан 25 млн. 200 минг сўм ва 03.04.2024 йил кунидаги 671521-сонли шартномага асосан 17 млн. сўм онлайн микроқарз расмийлаштиришга эришиб, жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ва уни идентификация қилиш имкониятини берадиган шахсга доир электрон тарздаги микроқарз олишни имкони берувчи иловани қонунга хилоф равишда қўлга киритиб, ундан ғаразли мақсадлари йўлида такроран фойдаланганликда айбланган.

Судланувчи ХХХХХХХХХХнинг тафтиш шикоятда, қилмишидан пушаймонлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлиги, отаси ва укасини касаллигини инобатга олиб, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Жабрланувчилар ХХХХХХХХХХ, ҳамда уларнинг адвокати Б.Кутлиев тафтиш шикоятда, биринчи инстанция ва кассация инстанция судлари қарорларини ўзгартириб, зарарларни уларнинг фойдасига эмас, балки, “ТВС” банк ва “Анорбанк” банклари фойдасига ундиришни сўрашган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси Ж.Каримовнинг маърузасини, прокурор Б.Давроновнинг келтирилган тафтиш шикоятини қаноатлантirmасдан, кассация инстанцияси ажрими билан ўзгартирилган суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланган ХХХХХХХХХХнинг химоячиси-адвокат Ф.Арнауловнинг судланган ХХХХХХХХХХнинг, жабрланувчилар ХХХХХХХХХХ, ҳамда уларнинг адвокати Б.Кутлиевнинг келтирилган тафтиш шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, тафтиш шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, тафтиш шикоятларини қаноатлантirmасдан, кассация инстанцияси ажрими билан ўзгартирилган суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.



Судланувчи XXXXXXXXXнинг суд ҳукмида баён қилинган жиноятни содир қилганликдаги айби – гарчи у айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув бермаган бўлса-да, дастлабки тергов давомида тўпланган бирламчи ҳужжатлар, жумладан, жиноят ишида мавжуд бўлган жабрланувчи [REDACTED], XXXXXXXXX, [REDACTED], XXXXXXXXX, [REDACTED], XXXXXXXXX ва [REDACTED] шаҳар ИИБ бошлиғининг номига ёзган аризалари, XXXXXXXXXга тегишли бўлган “ХИОМИ 12” русумли телефон аппаратини олиш ва кўздан кечириш баённомаси ҳамда фотолавҳалар, ёзма далил сифатида этироф этилган онлайн микроқарз шартномалари, чиқим чеклари, жабрланувчилар ва судланувчи XXXXXXXXXлар ўртасида ўтказилган юзлаштириш тергов ҳаракати баённомалари, дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция судида сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топган бўлиб, қайд этилган далилларга суд ҳукмида атрофлича баҳо берилган.

Судлов ҳайъати, XXXXXXXXXнинг унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги ва жабрланувчилар XXXXXXXXX, Ш.Рузиев ва [REDACTED] ҳамда уларнинг адвокати Б.Кутлиевнинг биринчи инстанция ва кассация инстанция судлари қарорларини ўзгартириб, зарарларни уларнинг фойдасига эмас, балки, “ТВС” банк ва “Анорбанк” банклари фойдасига ундириш ҳақидаги важлари билан қуйидагиларга асосан келишмайди.

Жумладан, кассация инстанциясида сўроқ қилинган жабрланувчи З.Шукуров, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2022 йил март ойида НКМК АЖ МКБга қарашли Темир йўл транспорт бошқармасига чилангар вазифасига ишга кирганлигини, 2023 йил декабрь ойида ҳамкасби ва ҳамқишлоғи XXXXXXXXX ишда бўлган вақтида ёнига келиб, Қизилтепа туманида яшовчи укасини тоби бўлмаётганини ва даволатиши учун пул зарур бўлаётганини, ойлик маоши эса етмаганлиги сабабли ўзини номига телефон аппарати орқали 1 млн сўм миқдорда онлайн кредит расмийлаштирмоқчи эканини, унга кафил бўлиб иштирок этишини ва банк у билан кафиллик шартномасини тузишини, бунга кўра у ушбу кредитни ўзининг номига расмийлаштириб олишини ва пулларни ҳам ўзи сўндириб келишини айтганини, у бундан аввал бирор маротаба бўлса ҳам онлайн кредит расмийлаштириб олмагани учун буни тартибини тушунмаслигини ва унга муоммо керак эмаслигини айтиб, унга рад жавобини берганлигини, бироқ, XXXXXXXXX ундан илтимос қилавергач кафил бўлишга рози бўлганлигини, сўнг XXXXXXXXX унга телефон аппаратига уни расмга тушириши кераклигини ва ушбу расми эса кредит расмийлаштириш учун юклашини айтганини, у XXXXXXXXX уни кафил сифатида жалб қилган деб тушунганлигини, XXXXXXXXX ўзига тегишли бўлган телефон аппарати орқали уни юзини фотосуратга тушириб, шу билан бирга фуқаролик паспортини ҳам сканер усулида барча ҳужжатларни



расмийлаштирганини ва унга ўзининг номига “Анор банк” дан 10 млн. сўм пул кредит олганини билдирганини, 2024 йил йил март ойининг охирларида XXXXXXXXXX уни алдаб, шахсига оид маълумотларидан фойдаланиб, хабарисиз номига “Анор банк” иловаси орқали онлайн тартибда 01.12.2023 йилдаги 553839189-сонли шартномага асосан 10,0 млн. сўм, 07.12.2023 йилдаги 553881532-сонли шартномага асосан 10,0 млн. сўм ва 14.12.2023 йилдаги 553935347-сонли шартномага асосан 8,0 млн. сўм кредит маблағларини расмийлаштирилганини билганлигини, 2024 йил июн ойи учун 2 млн. 950 минг сўм пулларни уни пластик картасидан ушбу кредит учун ечиб олинганини, 2024 йил июль ойи бошларида “ТБС банк” дан хат келиб, унга кўра 02.05.2024 йил кундаги 20591915-сонли шартномага кўра 12.442022.06 сўм миқдорда кредит олинганини, ушбу кредитни ҳам XXXXXXXXXX уни алдаб олгани, XXXXXXXXXX билан “Бинанс крепто савдо биржаси”да савдо қилиб фойда кўриш юзасидан ўзаро келишмаганлигини, унга нисбатан тухмат қилаётганлигини, ушбу важларни жавобгарликдан қутулиш мақсадида ўйлаб топганлигини билдириб берган кўрсатуви билан рад этади.

Чунки, худди шундай, тафтиш инстанцияси судида сўроқ қилинган иш бўйича жабрланувчи [REDACTED], XXXXXXXXXXлар биринчи босқич судида сўроқ қилинган [REDACTED] ва XXXXXXXXXXлар ҳам жабрланувчи [REDACTED] каби биринчи инстанция ва кассация инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, XXXXXXXXXX билан “Бинанс крепто савдо биржаси”да савдо қилиб фойда кўриш юзасидан ўзаро келишмаганликларини, уларга нисбатан тухмат қилаётганлигини, ушбу важларни жавобгарликдан қутулиш мақсадида ўйлаб топганлигини билдириб кўрсатув берган.

Судда аниқланган ва ишда тўпланган ҳужжатларга кўра, XXXXXXXXXX такроран, кўп миқдорда НКМК АЖ МКБ ТЙТБда ишловчи 8 та ҳамкасбини алдаб, уларга ҳар хил баҳоналарни важ қилиб кўрсатиб, ўзларини ва фуқаролик паспортини фотосуратга олиб, ўзига тегишли бўлган “Хиоми 12” русумли телефон аппарати орқали сканер усулида уларнинг номидан “ТБС банк”, “Анорбанк” ва “Асакабанк” иловаларидан рўйхатдан ўтиб, онлайн микроқарз расмийлаштиришга эришиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб, жабрланувчи бўлган ҳамкасбларининг манфаатларига моддий зарар етказиб, онлайн микроқарз маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида назарда тутилган давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖК 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида



баён қилинган тушунтиришларга риоя қилиб, судланувчи XXXXXXXXXнинг ҳаракатида ЖК 55, 56-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни қайд этиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарар қопланмаганини, жабрланувчиларни даъвоси борлигини, шахсини инобатга олиб, қонун талабидан келиб чиқиб, ЖКнинг

57-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинламасдан, у айбланган ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а, б” бандлари санкциясида назарда тутилган жазо, яъни озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида адолатли қарор қабул қилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴-моддасида, тафтиш инстанцияси, биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш, тафтиш тартибида берилган шикоятни, протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Шу сабабли тафтиш инстанцияси суди, суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, XXXXXXXXXга нисбатан кассация инстанцияси судининг ажрими билан ўзгартирилган суд ҳукмини ўзгаришсиз, тафтиш тартибида келтирилган шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 510, 521⁴ ва 521⁶-моддаларига асосан, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 7 майдаги ажрими билан ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Учқудуқ туман судининг 2024 йил 5 ноябрдаги [REDACTED] га оид ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган тафтиш шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий судига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо) Д.Хонбўтаева

Ҳайъат аъзолари: (имзо) А.Рахимов

(имзо) Ж.Каримов

Аслига тўғри, судья : Ж.Каримов

